

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

25 июль, жума, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 155 (1672)

ПРЕЗИДЕНТ ЧЎЛПОНОТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

24 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига жўнаб кетди.

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью берди. Жумладан, юртбошимиз Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон барпо этишдан кўзланган катта мақсадлар ҳақида гапириб, бу йўлдаги мавжуд айрим сунъий

тўсиқларни тезроқ бартараф этиш, ягона банк фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш зарур эканлигини таъкидлади. Президентларнинг Чўлпонотада ўтажак учрашуви шу жиҳатдан муҳим омил

бўлади, деб ишонч билдирди.

Тошкент аэропортида Президент Ислам Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б. Сиддиқов ҳам бор эди.

(ЎЗА).

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Чўлпонота, 24 июль. (ЎЗА махсус мухбири Фарход Арзиев хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Ислам Каримовни Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон Президентига анвойи гуллар тутди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди. Президентлар фахрий қорувул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг давлат раҳбарлари учун ҳозирланган махсус машиналар Иссиққул бўйидаги Чўлпонота қоронгоҳи томон йўл олди. Бу ерда уч давлат раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган воқеалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзолан-

ган ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалга ошиш жараёни, Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур, уч мамлакат парламентлари, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центразбанк») ҳамда БМТнинг заҳиралаги қурилари ҳисобланган Марказий Осиё тинчлик батальони («Центразбат») фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда янги таъсис этилган «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журна-ли Бош муҳаррири масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистонлик таниқли журналист Одилбек Қайипбергенов мазкур журналининг Бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Учрашув якунида уч томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғи-

зистон Республикалари ўртасида БМТнинг заҳиралаги қурилари ҳисобланган «Центразбат» аскарлари мақоми, Давлатлараро Кенгаш ва унинг муассасалари тўғрисидаги битимга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Бишкекда Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисида, уч мамлакат парламентлари аъзолари кенгаши тўғрисида ва «Центразбанк» фаолияти тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Учрашув нихоясида Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун маъруза анжумани ўтказдилар. Унда йиғилиш кун тартибидан жой олган барча масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилгани қайд этилди.

Чўлпонота сафарига мамлакатимиз раҳбарига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ташқи ишлар вазир А. Комилов, Мудофаа вазир Р. Аҳмедов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллахонов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎЗА).



Саратонда деҳқон кўсак санайди, деган гап бор. Жомбой тумани Х. Ниёзматов номли жамоа ҳўжалиги далаларини кезган киши деҳқонлар меҳнати самарасини кўриб, кўнгли яйрайди. Бригада бошлиғи Бахтиёр Олтиёшевнинг (суратда) ай-тишича, ҳозир ҳар туп қўзада 5-6 тадан кўсак бор. Агар парвариш шундай давом эттирилса, кутилганидан ҳам мўл ҳосил яратилиши, шак-шубҳасиздир.

Т. НУРМУҲАММАД
олган сурат.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

• ХОРАЗМ ГУРУЧ УРВОҒИДАН... КРАХМАЛ

«Хонкагуруч» жамоа қорхонаси қошидаги крахмал цехида янги замонавий ускуналар ўрнатилди. Мазкур жиҳозларни Жанубий корейлик ҳамкорлар етказиб беришди.

Шуниси эътиборга молики, бу ерда гуручнинг чиқитга чиқариб юбориладиган уни ва урвоғидан крахмал олимоқда. Цехнинг йиллик қуввати 2 минг тоннага тенг. Хонқа крахмали республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам етказиб берилади.

А. СОБИРОВ.

• СУРХОНДАРЁ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Американинг жаҳонда катта мавқега эга бўлган «Моторола» фирмасининг радио-телефонлари Сароисёбда ишлай бошлади.

Ҳозирча симсиз алоқанинг бу ажойиб ускуналаридан 15 та бюртмачи фойдаланмоқда. Туман алоқа бўлими бошлиғи Бўри Жаъфаровнинг айтишича, тез орада уларнинг сони 35 тага кўпаяди.

Т. РАЗЗОҚОВ.

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

ҚОНУН ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНИШИ ЗАРУР

Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Уни қўмита раиси Гулнора Йўлдошева олиб борди. Йиғилишда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, икки вилоят ва пойтахтда бу борада бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қатор камчиликларга йўл қўйлаётир. Масалан, Тошкент шаҳри ва Сирдарё ви-

лоятдаги соғлиқни сақлаш муассасалари 1996 йилнинг 1-3-чорагида маблағ билан етарлича таъминланмаган, аксинча, тўртинчи чорагида эса уларга белгилангандан кўпроқ маблағ ажратилган. Шу боис бу муассасаларнинг дебиторлик қарзлари ортиб бормоқда, беморларни дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминлашда узилишлар содир бўлаяпти.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАМОҚДА

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги экспертлар гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифи нихоясига етди. Улар «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясига тайёргарлик доирасида Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтидаги ҳам-касблари билан бўлган икки томонлама кон-сультацияларда катнашдилар.

Ядро қуролига эга давлатлар, шу жумладан, Хитой вакилларининг ишчи консультацияларидаги иштироки Тошкент конференцияси бахслари учун фойдали, Марказий Осиё бепта давлатининг кўп томонлама шартномасини тайёрлашдаги амалий ишларида муҳим омил бўлади.

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги халқаро ташкилотлар бошқармасининг қуролсизланиш бўлими раҳбари Ван Сяонин «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Хитой доимо ядро қуролидан холи тинчликнинг қатъий тарафдори бўлиб келган ва халқаро ҳамжамият кўмағида бундай мақсадга етишшига интилан. Биз ядро қуролини тарқатмаслик тартибини кенгайтириш ва ядро қуролидан холи янги зоналар ташкил этиш —

минтақавий ва глобал хавфсизликни мустақамлашга қўшилидиган катта ҳисса, деб ҳисоблаймиз.

Хитой Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда мазкур зонани ташкил этиш борасидаги ташаббусини, Марказий Осиё давлатларининг ихтиёрий равишда бундай муҳим масала бўйича ҳам минтақавий, ҳам глобал хавфсизликнинг муҳим омил бўлиб қолувчи битимни қабул қилишга бўлган саяё ҳаракатларини юқори баҳолайди. Биз бу борада уларга ёрдам беришга тайёرمиз. Тошкентта ишчи консультацияларида катнашиш учун келганимиз ҳам бунинг тасдиқ-лайди.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаш тамойилларига асосланган. Биз бундан буён ҳам муносабатларни ана шу пойдевор асосида қураве-

рамиз. Умидворманки, бизнинг ўзбек дўстларимиз билан бўлган фикр алмашувларимиз бу жиҳатдан ҳам фойдали бўлди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мамлакатингизга таклиф этгани учун миннатдорлик билдира-миз. Бу ерга ташрифимга қадар бу ўлка тўғрисида айрим маълумотларга эга эдим. Ўзбекистон нафақат бой табиий заҳираларга, балки кўплаб тарихий ва маданий ёдгор-ликларга ҳам эга эканини билар эдим. Энди эса ёзда ҳавонинг ниҳоятда «илиқ» бўлишини билиб олдим. Маҳаллий аҳолининг бизга бўлган муносабатлари ундан ҳам илиқ бўлди.

Самимийлик, меҳмоннавозлик, меҳнатсевар-лик, ўз тарихи ва анъана-ларига эҳтиром, менингча, ҳар икки мамлакат халқларига ҳам фазилат. Ўзбекистон фуқароларига мустақиллик кунини арафа-сида фаолиятларининг барча соҳаларида муваф-фақият ва барқарорлик, ҳаётларида эса бахт тил-лашни истар эдим.

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.



— Турсунали ака, аввало, бўлажак суҳбатимизга шон-шараф сарлавҳа топиб берганингиз учун раҳмат. Барибир ижод одамисиз-да. Агар қарши бўлмасангиз, мулоқотни «Шарқ тарона-лари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишда Бадий академия

Қ. Башаров раҳбарлигидаги ҳайъат аъзолари 18 нафар расом тақдим этган рамзалардан 10 та дастлабки лойиҳани маъқул кўрди. Қўрик-танлов шартларга биноан, фестиваль руҳи ва гоёлари маъқул бўлиб, 31 август кунини охирида амалга оширилган рамз лойиҳалари апрель ойида икки турда кўриб чиқилди. Иккинчи босқичда лойиҳа муаллифларидан С. Шарипов биринчи, И. Бериш

таклифи қўллаб-қувватланди. Айни шу кунларда фести-валнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев саралаб чиқилди. Анжуман мақсади ва вазифалари ҳақида пресс-релиз лойиҳаси тайёрланди. Конференция асосан Шарқ халқлари мусиқа фольклори, Шарқ мумтоз мусиқаси: ўтмиш ва янги аср бўёқларида, Шарқ мусиқа маданияти XX асрда деб номланган йўналишлар бўйича

йўналишлари санъатшунослик институти мутахассис олим-лари иштирокида ишлаб чиқилди. Анжуман мақсади ва вазифалари ҳақида пресс-релиз лойиҳаси тайёрланди. Конференция асосан Шарқ халқлари мусиқа фольклори, Шарқ мумтоз мусиқаси: ўтмиш ва янги аср бўёқларида, Шарқ мусиқа маданияти XX асрда деб номланган йўналишлар бўйича

таклифлар билдирган бўлармикин? — Жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда асосий тадбирлар бўлиб ўтadиган жойда фестивалда АРТ-Ательесини ташкил этиш зарурга ўхшайди. Чунки Самарқанд расомлари томонидан бевосита иштирокчи-лар портретларини ва тад-бирлар тасвирини акс этти-радиган асарлар фестивал да-стурини янада кенгайтириши шубҳасиз.

Фестиваль тобора янгилашиб келмоқ-да. Шунинг учун ҳам дирекция ва Ташқи ишлар вазирлиги конференцияда иш-тирок этадиган олимларга таклифномаларни белгиланган тартибда қисқа муддатда юбориш мақсадга мувофиқдир. Нега десангиз, мазкур олимлар ҳақида маълумот тайёрлаш, маълумотлар билан танишиб чиқиш ва тар-жимна қилиш, чоп этиш билан боғлиқ ишлар талай вақт олади.

Гапнинг лўндаси, фести-вални шундай чиройли ўтка-зайликки, унинг довуруи етти иккимга етсин. У ҳақда гап кетганда, гўзал бир шарқона байрам бўлган эди-да, деб хоти-рлаб юришсин.

«Халқ сўзи» мухбири
Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлади.

ГЎЗАЛДИР ШАРҚОНА БАЙРАМ

дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Кўзиев

дибоев учинчи ўринларни эгаллашди. Шу билан бирга қўриқда иштирок этмаган расомларнинг итимосини қондириш мақсадида, улар тақдим этган янги лойиҳалар ҳам қабул қилинди. Улардан энг юқори савияда мазмунли ишланганлари фестивал кун-ларига шаҳар ва концерт зал-ларини безаб туради. Бундан ташқари, Қамолдин Бехроуд номидagi миллий рас-сомчилик ва дизайн санъати институтининг фестивал иш-тирокчиларидан ўз ватанига чекисиз меҳр туйғуларини энг яхши тараннум эта олган қўшиқ ижрочиси учун Бадий академиянинг махсус соври-нини таъсис этиш ҳақидаги

минлашга яқиндан қўллашмоқда.

— Фестивалда қатор чет эл олимларининг иштирок этиши Шарқнинг бой ва ранг-баранг мусиқа санъ-атини жаҳонга яна бир бор намоён этишга им-коният яратди. Шундай эмасми?

— Албатта, фестивал кунларига Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси-нинг конференция залида бўлиб ўтадиган «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» халқаро ил-мий-ижодий конференцияни ўтказиш, иштирокчилар тар-киби, илмий-ижодий

ўтказилади.

Хуллас, хоринжий юртдан 30 га яқин мусиқашунос олимлар ташриф буюриши ре-жалаштирилган. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон ва татаристонлик олимларнинг келиши ҳам конференция иш-тини мазмунан бойитди.

— Мустақиллик йилла-рида илк марта ўтказила-диган ва истиқлол байра-ми билан уйғуллашиб ке-тадиган, бутун дунёда та-рихий воқеа деб номлана-диган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали-ни кўнглидагидек, қойла-мақом ўтиши учун қандай



• МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОЗОДЛИК — ҚУЁШДАЙ ҚАДРЛИ

1. ОЗОДЛИКНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?
2. ИСТИҚЛОЛ СИЗГА НИМА БЕРДИ?
3. ЎЗИНГИЗ МУСТАҚИЛ ЮРТГА ҚАНДАЙ ФОЙДА КЕЛТИРДИНГИЗ?

Одам вақт ўтган сайин ҳамма нарсага қўниқиб боради. Ҳатто ўрганиш ҳам қолади. Шўролар сиёсатининг дахшати томони шунда эдики, дастлаб тафаккурга чанг солинди. Бутун-бутун халқларни тир-тўзғитиб, кишиларни фикран поқис, руҳан мажруҳ эттишга чоғланган ва буни маълум маънода урдасидан чиққан истибодот тузумининг лашкарлари ўз галабасининг мангулигига ишонч эди.

Бунга маълум бир маънода асос ҳам бор эди. Чойнак Тошкентдан чиқса, қопқоғи Москвадан, илаҳи Киведан келтирилиб, гули Камчаткада босиладиган замон эди. Бир-бирига боғланиб қолган ўлкаларнинг бири қимирласа, замирининг бошқа бир учи иккинчисини тортиб келарди.

Рева ДАВЛАТЁРОВ,

Қўнғирот сода заводи бош директори (Қорақалпоғистон Республикаси):

1. Инсон тутқун бўлмасани эркин яшайди, ўз холи-истаги билан меҳнат қилади, ўйлайди, фикрлайди. Демакки, ўз мавжудлигини билдириб туради. Озодлик одамнинг бошқа жонотлардан фарқ этиши учун онг ва тафаккур, сўз ва хотира каби улуг тушунчадир. Бусиз инсон умрининг маъноси бўлмайди. Муте, қул одамнинг орзулари сароб, максаллари зулумот ичида қолади. Озодлик қўёш қадр қадри, нон каби лаззатли. Халқнинг эртанги кўнгида ишонч туйғуси истиқлол туфайли яна мустақамланди.

Орзиқул ТИНИБОВ, ҳайдовчи (Самарқанд):



1. Озодлик одамларимизга ўзбекчиликни қайтариб берди. Элнинг тўй-ҳашамларидаги удумлар тикланди. Халқ байрамлари қайтадан дунёга келди. Динимиз, имонимизга қайтаётганимиз, айниқса, қўнғимизни равшан этаяпти. Бир пайтлар ўлик чиққан уйда ҳатто жаноза ўқитишда таъқиқлаб қўйишганди. Музолюмчиликка терс қарашга мажбур қилган давр ҳар биримизни йўлдан алаштирган рол. Озодликни мен ҳеч бир сўз билан таърифлай олмайман. Бу сўз шунчалар қадрлики, унинг аҳамияти юқоридаги ҳодисалар билан янада равшанлашди, деб ўйлайман.

2. Истиқлол бизга эркин ишлаш, қолаверса, фаровонликка эришиш йўлларини ўргатди. Давлатнинг қўлига кўз тикиб яшаш нотўғри эканлигини англаб улгурдик. Бойиш, яхши яшаш, тўкин-соқилликка эришиш ўз қўлимизда эканлигини барчамиз тушуниб етдик. Бунинг учун фақат ҳаракат қилиш керак. Хулоға шукр, дастуронимиз фаровон, фарзандларимиз усти бут, юртимиз тинч. Бундан ўзга давлат, бундан ўзга улуг нёма бўлиши мумкинми?

3. Озгина бўлса-да мамлакатимиз истиқлолини мустақамлашга ҳисса қўшаётган бўлсам, умрим беҳуда ўтмаётган экан, деб ўйлайман. Иншооллоҳ, ҳали юртимиз тагинан чирой очилди... Дунё бизга ҳозирдан кўпроқ ҳавас қилади. Бизнинг барча катта-кичик хизматимиз ўшанда билинади.

Эрали МАХМАРАСУЛОВ,

ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича учинчи халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби, Президент соврини соҳиби (Сурхондарё):

1. Полвонлар Ҳазрат Алининг майдонидан ўзини кўрсатади. Элнинг олқиши, қўллаб-қувватлаш даврада курашаётган полвон учун руҳий қувват бағишлайди. Ўз-ўзидан қуча бўлиб, қўнғилда ғалати тетиклик пайдо бўлади. Мен нима сабабдан гапни шу тахлитда бошлайман? Чунки бутун юртбошимиз ҳам сиёсат майдонидан жаҳоннинг энг етак сиёсатчилари қаторидан урин олдилар. Жумладан, мамлакатимизнинг обрўси ҳам дунё миқёсда кўнра олаётган бўляпти. Қардаки поклик, мардлик, танглик бўлса, ўша ердан қўт-баракка аримайди, Оллоҳнинг назари тушиб туради. Озодлик, фикримча, ҳар бир ўзбекистонликнинг жаҳонга ўзини танитишдир. Бизга қўлгина халқларнинг ҳаваси келади. Шу қисқа вақт ичида бир пайтлар биз етиб боришимиз озура айланган бооёр йиғиларда Юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳияси янгради... Дунёнинг илгор фикрли халқлари келажакда порлоқ мамлакатимизга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўла бошлади.

Жумабой МУСУРМОНҚУЛОВ, ҳуқуқшунос (Тошкент):



1. Барча сиёсий ва инсоний ҳуқуқларга эга бўлишнинг ўзи озодликдир. Инсон қадри, шаъни, ор-номуси, виждони, этиқоли эзу туйғуларни эъзозланаяпти. Энди ҳеч ким ҳеч кимга таъйиқ ўтказмайди, кишилар ўртасидаги муносабатларга самимийлик йўғрилмоқда. Адолат нуқтаи назари билан қаралганда, жамиятимиз тобора софланиб, покланиб бораёпти. Муҳтарам Президентимиз сай-ҳаракатлари туфайли, у кишининг фидойиликлари эвазига мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарордир. Озодликни мен бир инсоннинг инсондай яшаш учун Оллоҳ берган улуг имконият деб тушунаман. Худога шукрлар бўлсинки, миллатдошларимиз бу саодатдан бутун тўлиқ баҳраманддилар.

2. Истиқлол менга ким учун, қайси мамлакат ва қандай жамият учун хизмат қилишим кераклигини ўргатди. Иккиланиш, чекинш, саросимага тушиш туйғуларни озодликни қадрлаш деган тушунча олдида ўз-ўзидан емирилади. Боболаримиз шавкатидан гурурланиш, улар тутган йўлнинг нечоғлик тўғри эканлиги бутун ўз исботини топди. Ўтмишимизга ҳурмат билан қараш эртаимиз қадрини янада оширади. Истиқлол менга одил жамият, ҳур Ватан ва унинг Президентидан гурурланиш ҳиссини ҳадя этди.

3. Шу муборак Ватаннинг равнақ топиши учун хизмат қилиш, меҳнаткаш халқимиз олдида фарзандлик бурчини ўташ насиб қилган экан, Яратганга шукрона айтман. Менинг ишларимни одамлар қолашар...

«Халқ сўзи» мухбири Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.

Ақллилик билан ишлаб чиқилган қулик механизми асо- ратидан тўла-тўқис қутулиб, озодликка эришилган қун ҳар бир халқнинг миллий ва энг катта байрами бўлиб қолади. Биз она-Ватанимиз -- Ўзбекистоннинг истиқлолини қўлга киритган қутлуғ 1 сентябрь байрами- ни миллиятини қайтадан туғилган, тирилган қуни си- фатида ардоқлашимиз керак. Бу қун тарихий моҳият касб этади. Ўтаётган қуларимиз биз учун бетакордир. Шу жумладан, байрамларимиз ҳам. Озодликнинг олти- чи йилда мамлакат мисли қўрилмаган ютуқларга эри- шган давлат сифатида дунёга буй кўрсатаяпти. Тарих ол- дидаси шу қисқа даврни изоҳлаб, халқ келажак учун қўйилган олтин пойдевор, десақ ҳамто бўлмас. Биз қадим шаън-шавкатимизни тиклаш имконига эга бўлдик. Одам- лар руҳий дунёсига ўзлик етилаяпти. Асосийси шу. Энди шу тўпроқ қайғусини чекиб, келажак гамида қўйилиб, айни даврда амалий фаолият кўрсатган инсонлар учун Ватанимиз олқишлари бисёр. Одамлар руҳиятида уйғониш, борлиққа нисбатан жонли муносабат сезилаяпти. Ва улар айтишайликки...



Гулнора ГУЛИЙЕВА, гувоҳ овоз юрт ташвиши билан кечган кейинги йиллар ум- римнинг беағи, лаззатли кез- лари бўлиб қолади.

Пахтачиликда янги технология -- гўзани плёнка остида ўстириш республиканинг пахтакор туманларида кенг оммалашаётгани бежиз эмас. Бу усул деҳқонларнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқариб, пахтанинг одатдагига нисбатан 20-25 кун эрта пишиб етилишини, ҳосилдорлик 10-15 центнер ошишини таъминламоқда. Бирок янги тех- нологиянинг тола сифатига, уруғлик ҳамда ёғи олинадиган чигитга таъсири масаласида олим ва мутахассислар ҳали илмий асосда тайинли гап айтганлари йўқ. Мухбиримиз соҳа мутахассиси, иқтисод фанлари номзоди Абдусалом ТУРСУНОВ билан шу масала юзасидан суҳбатлашди.

-- Бу йил республика- миз умумий пахта май- донининг 14 фоизига чи- гит плёнка остида эки- ди. Андижон усулининг доври довои ошганли- гини ҳисобга олсак, бу кам эмасми?

-- Ҳар қандай янгиликнинг ўзига кенг йўл очиб оли- ш учун вақт керак. Шу маънода қара- ладиган бўлса, 14 фоизни кам дейиш нўрн. Музимиз -- янги усул яна бир карра синовдан ўтади.

Шу пайта- ча -- янги усулда эки- ладиган пахтанинг эрта -- сиздорлиги ош- шиши ҳусусида гапир- иб келаяпти. Тола ва чи- гитнинг сифати ҳақи- да уйлаш, таъкидот олиб бо- риш вақти келмадими- кан?

-- Бу ишга қанча тез ки- ришса, шунча яхши. Бун- да ҳар бир вилоят, туман ва минтақанинг ўзига хос ҳу- сусиятлари, иқлими, тўпроқ шароити ҳисобга олиниши керак. 1997 йилда плёнка остида чигит экиган май- донларда ерни, уруғликини тайёрлаш, экиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озимлаштириш, қатор орала- рида ишлов бериш, сугориш, гўза касалликларни, зарар- кунанда ҳашоратларга қарши кимёвий ва биологик усул- да курашиш, ҳосилни йиғи- териб олишгача бўлган бар- ча жараёнларни кузатиб, шулар асосида таъсиялар ишлаб чиқиш зарур.

-- Қишлоқ ва сув ҳўжалари вазирати қоп- ида «Андулабпахта» ил- мий-ишлаб чиқариш ва тик- жорат маркази тузил- ганга ҳадемай бир йил бўлади. Сиз айтган таъкидот ишлари билан шу марказ шуғуллана- ётқандир?

-- Тўғри. Марказнинг асосий вазифаси айнан Ан- дижон усулини илмий-ама- лий жиҳатдан ўрганишдир. Бунинг учун тўрт-бешта йўналишда изланиш ва таъкидотлар олиб боришга

тиб, таҳлил қилиб боришлари керак. -- Плёнка о- стида қўнқа- торлаб чигит экиган майдонлардаги ҳосил ҳозирча фақат



ўзгаришларсиз, бир маром- да олиш туфайли толаннинг

пишиқлиги ошади. Бундан ташқари дастлабки ва охириги қўсақларнинг етили- ши оралиғидаги вақт ўзгариши боис тола текис бўлади. Сано- атга эса айнан шун- дай, тола керак.

Чигит сифати ҳақида ҳам ижобий фикр билдирилаяп- ти. Биринчидан, чи- гитнинг тўқлиги би- лан ундан ёр- чиқини камида 3-4 фоиз оширади.

Иккинчидан, пахта уруқчилигини ривожланти- ришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Пировардида янги усул- нинг яна бир моҳияти ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Гап шундаки, гўза касалликла- ри ва зараркунанда ҳашо- ратлар, одатда, маълум пай- тда пайдо бўлади ва хуруж қилади. Масалан, кўсак курти гўза тушарида дастлабки қўсақлар шакллани- ши билан тарқала бошла- йди. Янги усулда гўза ода- тидан 20-25 кун олдин қўсак туккани сабабли, қўсак курти пайдо бў- лунча анча қотиб, зарар- кунанданинг «типи ўтмай- ди» тан бўлиб қолади. Ка- саллик хуруж қилгунча, гўза бакуватлашиб, унга буй бермай қўяди.

Албатта, бу фикрларга назарий мулоҳазаалар сифа- тида қарамок лозим. Бу ма- саладаги илмий-амалий асосланган гапни, юқорида таъкидлаганимиздек, «Ан- дулабпахта» илмий-ишлаб чиқариш ва тикжорат мар- кази айтиди, албатта.

«Халқ сўзи» мухбири А. ИҲЛОШЕВ суҳбатлашди.

• АСР ИЛЛАТИ

ИЗЗАТИНИ БИЛАМАГАН «МЕҲМОНЛАР»

АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОЖХОНА ХОДИМЛАРИ ШУ ЙИЛНИНГ ЎТган ОЙЛАРИ МОБАЙНИДА ҚОРА ДОРИГА РУЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАРДАН 40 КИЛОГРАММ АТРОФИДАГИ ОҒУНИ ТОРТИБ ОЛДИЛАР

Қўшни республиканинг Калинин номи жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Ҳусан Қўлиев ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиганлар хилидан экан. Жорий йилнинг 24 апрель куни ўз ВАЗ-2107 русули, давлат белгиси «Г 79-89 АП» бўлган автомобилнинг ўнг ва чап қантолари остига 10 кг. 387 грамм қора, дорини яшириб, Алмати шаҳрига овланади. Бузоқнинг югургани сомон- хонача экан. У Андижон вилоятида- ги 4-«Ўзбекистон» божхона пости ҳодим- лари назоратидан ўтаётганда қўлга олин- ди.

Ҳусаннинг яна бир ҳамшарҳи -- Ҳамид Омоновани қайси шайтон йўлдан озирганига ажаблансан, киши,

35 ёшга кириб-қирмаган, катта оил- нинг оқина бекас бўлишга лойиқ жу- пон жирканч ишга қўл урди. Гўёқанд моддаларни олиб-сотиш билан шуғулланиб келган. Ҳ. Омонов охири вай бўлган бу «қўнар» уни бир кунмас бир кун чоҳа қўлатилиши ҳаётига кел- тирдики...

Ҳамид давлат белгиси «9-48 ОШП» бўлган РАФ машинасида салкам беш килограмм қора дорини олиб кетаётган чоғида 2-«Ўзбекистон» божхона пости ҳодимлари томонидан пуллованиб ўп- ланди. Агар оғунининг йўли ўз вақтида тўқилганида, билмадик, қанчадан- қанча оилаларга қўфат ораётган, юзлаб одамларнинг ширин турмуши заҳарга

айланган бўлар эди.

... Божхонанинг 8-«Мадаинит» по- сти ҳодимлари ВАЗ-2103 русули маши- нани тўхтади. Ёши ўттига ҳам ет- маган Мария Сарпабекова бирдан ёзу- таланиб қолди. Рангидан қон қочди. Маълум бўлишича, Мария ҳам мамла- катимиз қўлунинг бедарвоза ҳўсқолаб, 3 кг. 818 грамм қора дорини Ўзбеки- стон орқали Ўзбекистонга олиб ўтмоқчи бўлган экан. Аммо у чўчара- ни хом санаган эди.

Россининг Новгород вилояти, Вол- дай шаҳридан меҳмон бўлиб келган О. Тетелев ўзига ўқша бангилар билан тезда тил топишди. Юртга қайтар чоғида нон орасига кўп миқдорда

гўёқанд моддани яширди. «Андексон- Самар» йўналиши бўйича қатновчи поезднинг 16-вагонига жойлашган «меҳмон» гўмонаниб ўшанганда, сир ошқор бўлиб-қолди. Энди у кўп йил- лар уйига бормайдиган бўли.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, юртимизга қадим ривожла- нган меҳмондорчилик ҳаммасият нияти ҳолис, қайи тоза эмас экан. Айниқса, оғуфурчиликка руж қўйган нафс бандаларининг ноқўн қилмиш- лари ҳар биримизни ҳўш тортириши керак. Тўғри, биз бағри очик, меҳмондўст халқимиз. Аммо турмушимиз- ни, тузулишимизга тулурган шахсларга нисбатан шайфат қилинмайдиган. Улар қилмишлари учун оид қонунларимиз олдида жавоб беришлари, шўбасиз. Юқорида номилари зикр этилган оғуфурчиларнинг 14-17 йилдан қамқоқ жамоасига ҳўк қилинганлиги фикримиз далилидир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

magiCam PAL
8 mm VIDEO CAMERA RECORDER

Видеокамераси

VP-K85

16 карра оптик катталаштирувчи ва рангли видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера.

- Такомиллаштирилган юқори сифатли рангли видеоизловчи.
- 16 карра оптик катталаштириш.
- HI-FI Stereo товуш.
- Ёруғликини қучайтириш учун ичига қўйилган лампа.
- 5 режимли автоэкспозиция.
- Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёруғлик филтрининг вазифаси).
- Титларнинг ичига жойлашган генератор.
- Катталаштириш картасидек келадиган масофадан бошқариш пульти.

Technology that works for life

SAMSUNG
ELECTRONICS

Фирма дўконлари

ТОУ Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темур кўчаси, 110	(3712) 34-02-58
Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712) 42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Қолирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон.	(3712) 41-46-38
Отахон	Фаргона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3732) 24-78-76
Наврўз	Андижон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422) 43-8-60

Бухоронинг 2500 йиллик юбилейини ҳеч иккиланмасдан маънавиятимизнинг ҳам тўйи, дейишимиз мумкин. Маърифатсиз маданият бўлмаганидек, маданиятсиз маърифат ҳам бўлмайди. Шундай экан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази кутлуг тўйга қандай ҳозирлик қўяпти?

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари:

Марказимиз ушбу тантанани маънавиятнинг сезган ҳолда тайёрларлик қўймоқда. Биз Бухороий шайхларнинг обидлар тарихини ўрганиб чиқардик. Ҳар бир кўча, тепалик тарихи тадқиқ қилинган.

Қорона, жамса ҳўжаларини ёхуд гузарлардаги урчуларда, миллатдан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг қўлида Ватан тарихига бўлган меҳр-муҳаббатни кўрдик. Бундан ташқари, жамомиз сай-ҳаракати билан «Бухороий Шариф» номи кўп серияли ҳужжатли видеофильм суратга олинмоқда. Шунингдек, «Маънавиятимиз даргалари», «Мирнори Калон», «Масжиди Калон», «Мир араб мадрасаси», «Орфоно ҳужжатлар» каби китоблар нашрга тайёрланди. Айниқса, вилоят телевидение ва радиосининг «Маънавиятимиз сарнашмалари», «Бухороий бустони», «Мерос» руқияри остидаги кўрсатувлари жамоатчиликка манзур бўлаётди.

Бухоро ва Хива юбилейларини ўтказишдан мақсад нима? Биринчидан, тарихини ўрганиш ва ундан сабоқ, олим, иқтисодчи, одамларда ўзликни аниқлаш ҳамда ҳаётини шунингга қўйишдир.

Исроил СУБХОНИЙ, Бахоруддин Нақшбанд номидagi Тасавуф ва суфийлик маданияти халқ академияси президенти, «Нақшбандия» газетаси муҳаррири:

Хар қандай кишилик маданияти асосини, у қандай қўлинида бўлишидан қатъи назар, Маърифат ташкил қилади. Маърифатнинг аса хар ким ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, турлича ид-рок эгадир.

Шу ўринда яна бир нозик масалани айтиб ўтмоқ жоиз: билим олишининг ўзи халқ маърифат дегани эмас, яъни олимлик билан доношмандлик ўртасида жуда катта фарқ бор. Олим — илм билан шуғулланади, ориф — ирфон билан иш қўлади. Илм — ақлий мантик, ирфон, қалб мантига сунади. Хар иқтисоди қўлгандагина чинакам доношмандлик келиб чиқади. Қўриб турибдики, ота-



• БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Яратувчанлик, ижодкорлик инсонга хос фазилатлардир. Маълумки, буюк Турон заминидан яшаган авлод-аждодларимиз биз учун улкан маънавий-маърифий мерос қолдиришган.

Ўтмишини билмайдиган халқнинг келажаги ҳам йўқ, дейдилар. Истиқлол боис собиқ тузум даврида бекитилган маънавият бўлоқларининг кўзи очилди. Бу бўлоқларда кайнаган илму урфондан бугун барча баҳраманд бўлмоқда. Худди шу йўналишда Бухорода ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Мухбиримизнинг Бухоро вилояти «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказган давра суҳбати ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

МАШОЙИХЛАР ҲАКИКАТИ

(ДАВРА СУҲБАТИ)

боболаримиз маърифат масаласида бизнинг ҳозирги тушунарларимиздан илгарилаб кетган. Биз бугун ушбу улкан маънавият хазинасидан баҳраманд бўлишимиз ва шу асосда ўз миллий маънавий қиёфамиз, дунёқараш ва маъқураимизни ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

Самад АЗИМОВ, Бухоро давлат университети хорижий тиллар кафедраси доценти:

Бухоро ҳақон маданияти хазинасининг юксалишига катта ҳисса қўшган қадимий илм-фан мақолаларида бири бўлганини маълум. IX — X асрларда вужудга келган иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар Бухорода маданий ҳаётнинг тез суълатларда раванг топишига олиб келди.

Самонийлар даврида асос солинган бой маданий мерос Шарқу Фарб мамлакатлари ўртасидаги маданий муносабатларнинг ўзаро яқинлашувида хизмат қилиб келмоқда. Муъриқларнинг фикрича, VIII аср охири — IX аср бошларида Бухоро мадрасаларида 30 минг толиб илм тақсил олган. Бухоро мадрасаларининг шўҳрати нафақат Урта Осиёда, балки Шарқ ва Фарбда ҳам

қий халқларидир. Улар бу ҳудудда X асрдан олдин ҳам яшаган бўлиши мумкин. Хитой сайёҳлари VII-VIII асрларда ҳам Шеробод, Денов, Шўрчи туманларида туркий тили аҳоли бўлганлигини ёзиб қолдирган. XI аср тарихчиси Абдулқайс Байқалқийнинг ёзишича, Термиз қалъасининг ҳукмдори Қултўғ исми турк бўлган. У Сабуктегиннинг гуломи ҳисобланган. Термиз қалъаси ҳукмдори исмини қишлоқ номига (Қултўғ — қуллук) дахлдор деб қараш тўғри эмас.

Шеробод қалъаси X-XI асрларда қорвачилик ва деҳқончилик учун қўлай ўлка ҳисобланган. Қалъа атрофидан Бойсун-Шеробод дарёси оқиб ўтган. Бу ердан ўнг ва сўл томонларга катта ва кичик ариқ (шоҳ)лар чиқарилган.

Шеробод қалъаси теграсидаги аҳолининг катта қисми туркий тили бўлиб, қарлуклардан иборат бўлган. Қултўғшо қишлоғи номи ана шу тарихий кечмишнинг ифодасидир. Қултўғшо — қарлукларнинг ариғи, демаскир. Ҳозир бу қишлоқда қўнғиротлар истиқомат қилишади. Қўшни қишлоқларда эса қарлуклар ҳам яшайди. Улар ўзларининг энттик бўлинишини, шажарасини унуттишган. Уларнинг шакл-шамойили, нутқи Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги қарлукларга айнан ўхшаш.

Тўра НАҲАСОВ,
Қарши давлат университетининг профессори.

ҚУЛЛУҚШО

• БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Шеробод шаҳрининг кўн ботар томонида Қуллукшо деган қишлоқ бор. Халқ талаффузида «Қуллукшо» деб ҳам юртилади. Аслида «шо» қўшимчаси «шоҳ» сўзининг содда-лашгани: шоҳ — шо. Сўнгги товуш тўғри қолган. Сурхон-Шеробод воҳасида катта ариқдан чиқарилган юлғи ариқидан «шо» деб аташади.

«Қуллук» қандай сўз? Адабий тилда кишилар ўртасидаги миннатдорлик туйғусининг ифодаси — қуллук, Аммо бу маънодаги «қуллук» сўзи «шоҳ» сўзи билан бириктириш мантқиқ тақозоси эид. Бу икки сўз ўзаро бириктириб, ариқ ёки бошқа бирон жойнинг номини яратолмайди.

Қарлук (қорлук) халқ (қабилалар иттифоқи, қавм) номининг ўзгарган шакли-қуллук. Қарлуклар — энг қадимги туркий халқ аталмаси. Жуда кўп туркий халқларнинг шаклланишида қарлукларнинг нуфузи юксак бўлган. Айниқса, ўрта асрларда қарлуклар Марказий Осиё, Қошғар ва бошқа ўлкаларда яшаб, ҳукмронлик қилишган.

Тарихий маълумотларга қайд этилишича, қарлуклар Сурхондарё вилояти ҳудудига X-XII асрларда келиб ўрнашган Қораконийлар даврида ваҳанинг суғорма деҳқончилигига қўлай жойларида ариқлар қазилган, қўриқ ерлар ўзлаштирилган, янги аҳоли масканлари вужудга келган.

Қарлуклар вилоятнинг энг азалий тур-

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АЛЗОН

ЖКТ категорияларига таълиб таъсир этадиган асосли;
канг сўвгир-ривоятларни ўри қолмайди;
ишларнинг нормал ҳолатини бўлибди;
ЖКТ бўлишларида тўпланади.

5-10 кун давомида
қўнға 4 марта
1 таблеткадан
сўвгир-ривоятларни ўри қолмайди.

«Халқ сўзи» таҳририяти жамоаси таҳририят кассири Рузигул Исмоловага падари бузруквори
Собир БОЛТАБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг «Иқтисодиёт ва ижтимоёт» бош муҳаррирининг шарҳловчиси Турғун Собитовга отаси, уруш ва меҳнат фажрийеси

Собит бобо ОРТИҚОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлими, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтини жамоалари академик Т. Рашидовга синглиси

Махфуза БЕКМУҲАММЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хўжук ва қўнғичилик
36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тўнги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилиди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қўғоз бичими А—2
Газета IBM компьютеридида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ,
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топирилди — 22.30 1 2 3 4 5 6

Тармоқни барқарор ривожлантириш, хизмат зоналарини доимий равишда кенгайтириш, ҳамда хизмат турларини кўпайтириб бориш!

Марказий Осиё-компания уяли телефон алоқа тармоғи лидери стратегиясининг шиори ана шундай.

UZDUNROBITA® cellular

Ташкилотимизда ишлаб чиқилган уяли телефон алоқа тармоғини ривожлантириш бош режасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида хизмат зоналарини кенгайтиришга қаратилган изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги стратегиямизнинг бош мақсади-республика ҳудудидаги барча абонентларни уяли телефон алоқа хизматидан баҳраманд этишдир.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси харитасида янги нукта. Бу ташкилотимизнинг ЎН БИРИНЧИ вилоят филиалидир. Филиалда ишга туширилган замонавий асбоб-ускуналар нафақат Гулистон шаҳри, балки яқин атрофдаги аҳоли пунктларига ҳам уяли телефон алоқа хизмати курсатиш имконини беради.

Агар сизни хизмат зоналарини кенгайтиришга оид батафсил маълумотлар қизиқтирса, уларни биздан бепул олишингиз мумкин.

«ХИЗМАТ -611»

амалдаги барча хизмат турлари, уларнинг баҳоси, сотувга чиқарилган аппаратлар, шунингдек, компаниямиз фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича кенг маълумотга эга бўлишингиз учун қўлайлик туғдиради.

Бунинг учун сиз исталган шаҳар телефони орқали «300909» рақамларини терсангиз, кифоя. Уяли телефон алоқа тармоғида эса боғланиш рақами — «611».

(«Хизмат — 611» уяли телефон алоқа тармоғи орқали қилинадиган барча қўнғиротлар бепул).

Бу дунёда ҳар бир инсон муносиб яшашга лойиқдир!

UZDUNROBITA cellular © «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасининг рўйхатдан ўтган савдо марказига эга.

МОТОЦИКЛДА «ИПАК ЙЎЛИ» БЎЙЛАБ

Бухоро шаҳрида икки хорижлик йигитларга кўзим тушди. Улар мотоциклда эди. Сўхбатлашдик. Швейцариялик бу икки йигит 31 ёшли Оливер Дабли ва 28 ёшли Марк Венст бўлиб, мотоциклда Буюк Ипак йўли бўйлаб сафарга чиққан экан.

Швейцариядан чиққанимизга икки ҳафта бўлди, — дейди О.Дабли. — Шу вақт мобайнида Италия, Словакия, Югославия, Болгария, Туркия, Эрон, Туркменистон ва Қозғистондан ўтиб, 7500 километрдан зиёд йўл босдик.

Мен меъморан, дўстим Марк эса муҳандис. Саёҳатни яхши кўраимиз.

— Илгари қайси юртларда бўлгансиз?

Оливер паспортини очди. Унда Ирландия, Ливия, Тунис каби ўндан ортқк мамлакат муҳри бор. Уёқларга ҳам мотоциклда боришган экан.

— Яна қанча йўл юрмоқчисизлар?

— О, ҳали тўхташ ниятимиз йўқ. Ҳаммаси бўлиб 20 минг километрдан ортқк йўл босамиз. Бухоро билан танишган, Самарқандга йўл олмоқчимиз. Кейин Қирғизистонга, ундан Хитойга ўтамиз. Саёҳат давомида қўрган-кечирганларимиз ҳақида китоб ёзиш ниятимиз бор. Юртингиз, халқингиз бизда аjoyиб таассурот қолдириди. Ўзбекистон чиройи бизни мафтун этди. Шунинг учун китобимизда Ўзбекистон, унинг одамлари ва қадимий шаҳарларига алоҳида боб ажратамиз.

Илҳом САҒАР,
ЎЗА мухбири.

• СПОРТ ЖИДДИЙ СИНОВЛАР — ОЛДИНДА

ФИФАнинг Цюрихдаги қароргоҳида Осиёнинг ўнга командаси 1998 йилда Францияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олиш учун курашадиган иккита саралаш гуруҳи аниқланди.

Қуръа ташлаш натижасида «А» гуруҳида Саудия Арабистони, Қувайт, Катар, Хитой ва Эрон командалари беллашиши аниқланди. Ўзбекистон командаси «Б» гуруҳида тушди. Командамиз бу гуруҳда Япония, Қозғистон, Корея ҳамда Бирлашган Араб Амириклари командалари билан куч синашади.

Гуруҳ голлиблари тўғридан-тўғри финалга чиқади. Иккинчи ўринларни эгаллаган командалар чемпионат финалига йўлланма берувчи учинчи ўрин учун ўзаро курашади. Туртинчи ўринни эгаллаган команда Австралия командаси билан учрашади. Бу ўйин голлиб ҳам финалга йўлланма олади.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, ўйинлар тахминан 12-15 сентябрда бошланади. Унга қадар Ўзбекистон билан Ямаи терма командалари ўртасида ўйин ўтказилади.

(ЎЗА).